

XXI АСР БОШЛАРИ МАҲАЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ЭТНОГРАФИЯСИ МАСАЛАСИ

(2000-2001 йиллар мисолида)

*Абдуллаев Музаффар Атажанович, Қорақалпоқ давлат
университети эркин тадқиқотчиси*



<https://orcid.org/0009-0009-3121-7951>

e-mail:

mabdullaev117@gmail.com

THE PROBLEM OF KARAKALPAK ETHNOGRAPHY IN THE LOCAL RESEARCH OF THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY (in the case of 2000-2001)

*Abdullaev Muzaffar Atajanovich, freelance researcher of
Karakalpak State University*

ПРОБЛЕМА КАРАКАЛПАКСКОЙ ЭТНОГРАФИИ В КРАЕВЕДЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ НАЧАЛА XXI ВЕКА (на примере 2000-2001 гг.)

*Абдуллаев Музаффар Атаджанович, независимый научный
сотрудник Каракалпакского государственного
университета*

Аннотация: Ушбу мақолада қорақалпоқ халқи этнографиясининг 2000-2001 йиллар давомидаги ривожини, асосий йўналишлари, фаолият юритган этнограф ва тарихчи олимлар, уларнинг асарлари ва тадқиқот йўналишлари, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, ушбу даврда фаолият юритган С.Х.Есбергенова, А.Е.Бижанова, Х.Е.Есбергенов, Т.Х.Есбергенова, З.И.Курбанова, Б.А.Кошанов, А.Х.Дониёров каби тадқиқотчилар илмий натижалари қисқа ўрганилган.

Калит сўзлар: қорақалпоқ, этнография, “Алпомиш” достони, ақлай куда, онирше, моддий маданият, урф-одат, маросим.

Annotation: This article analyzes the development of Karakalpak ethnography in 2000-2001, the main directions, working ethnographers and historians, their works and research directions, achievements and shortcomings. In addition, the scientific results of researchers such as S. Esbergenova, A. Bijanova, X. E. Esbergenov, T. Esbergenova, Z. I. Kurbanova, B. A. Koshanov, A. Kh. Doniyorov, who worked in this period, are briefly studied.

Key words: Karakalpak, ethnography, Alpomish epic, akлай куда, onirshe, material culture, tradition, ceremony.

Аннотация: В данной статье анализируется развитие этнографии каракалпаков в 2000-2001 годах, основные направления, работающие этнографы и историки, их труды и направления исследований, достижения и недостатки. Кроме того, кратко изучаются научные результаты таких исследователей, как С.Х.Есбергенова, А.Е.Бижанова, Х.Е.Есбергенов, Т.Х.Есбергенова, З.И.Курбанова, Б.А.Кошанов, А.Х.Дониёров, работавших в этот период.

Ключевые слова: каракалпаки, этнография, эпос «Алпомиш», ақлай куда, онирше, материальная культура, традиция, обряд.

КИРИШ. 2000 йилдан бошлаб қорақалпоқ этнографиясини ўрганишда катта ўзгаришлар кузатилмади. Асосий илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ филиали этнография бўлими олимлари, тадқиқотчи-изланувчилари иштирокида ёки улар бошчилигида амалга оширилишда давом этди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Бу даврда қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек, туркман ва қирғиз халқлари этнографиясини қиёсий ўрганишга бағишланган бир неча мақолалар ва изланишлар чоп этилди. Мисол учун, А.Бижанованинг Амударё қуйи оқими қозоқларининг урф-одат ва маросимларига бағишланган мақоласида фарзанд кўриш, ёмон кўздан сақланиш, ҳомиладор бўлиш, болани асраш каби масалалар қиёсий ўрганилган [1:53-55]. Мақола асосан қозоқларга оид кадриятларни тадқиқ қилса-да, унда қорақалпоқлар билан қиёсий ўрганилган ўринлари аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, болани эрта тушиб қолишдан сақланиш мақсадида туядан фойдаланилгани қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқлари мисолида очиб берилади. Бундан ташқари, тадқиқотчининг қозоқлар маросимий кўшиқларига оид мақоласи ҳам бўлиб, унда кўчманчи халқлар учун умумий бўлган кўплаб жиҳатлар қиёсий таҳлилга тортилади.

Бу даврда халқ оғзаки ижодини тадқиқ қилиш ишлари давом этди. Тадқиқотчилар қорақалпоқ фольклорининг халқ маросимий ҳаёти, эътиқоди ва шаклланишида тутган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилди. Хусусан, Х.Е.Есбергенов изланишларида “Алпомиш” достонининг қорақалпоқча талқини, унинг сюжетларида турли тотемистик ҳайвонларнинг учраши, бу ҳайвонлар туркий халқлар учун умумийлик касб этиши, ҳомиладор ҳайвонларни ўлдириш мумкин эмаслиги, “ақлай куда” маросими, қорақалпоқларда оккуш, ғоз ва қорақуш каби қуш турлари алоҳида эътиборга лойиқлиги каби масалалар очиб берилади [2:76-78]. Тадқиқотчининг яна бир илмий мақоласида ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, рус эртақларини қиёсий ўрганган ҳолда, улардаги ўзаро ўхшашликларни аниқлашга, қайси асар бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг халқ

маданиятида тутган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилинган. Мақола ҳажман катта бўлмаса-да, муҳим маълумотларга бой. Аммо мақола номида таъкидланган “этногенез” масаласига оид маълумот деярли берилмаган, натижада бу савол очик қолган [3:54-56].

МУҲОКАМА. Ушбу даврда қорақалпоқларнинг моддий маданиятини диний кадриятлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, С.Есбергенова илмий мақоласида қорақалпоқларнинг маросимий тақинчоқларидан бири ҳисобланган “онирше” ҳақида маълумот бериб ўтилади. Изланувчи ушбу тақинчоқнинг икки турини таҳлил қилар экан, уни бир тарафдан муқаддас тотемистик қуш образига, иккинчи томондан, қушларнинг тухумига боғлайди. Тақинчоқни яшашда фойдаланилган тухумсимон безак шакли қадимдан Шарқ халқларида мавжуд бўлган фарзанд кўриш, серфарзандлик рамзи сифатида фойдаланилгани, ўзбек ва тожикларда ҳам кўёвга келин томондан тухум жўнатилиши, шунга ўхшаш одатлар нўғайларда ҳам учрашига урғу бериб, қорақалпоқларда тақиладиган онирше ҳам айнан аёллик, фарзанд кўришга боғлиқ эканлигини исботлашга уринади [4:39-40].

Ўзининг кейинги мақоласида С.Есбергенова Оролбўйи халқлари эътиқодида от тимсолига эътиборини қаратади. Тадқиқотчи археологик қазималар натижалари, этнографик изланишлар ва фольклор таҳлилига асосан қорақалпоқлар маросимий ва кундалик ҳаётида отларнинг тутган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилади. Таҳлил жараёнида отларнинг нафақат қорақалпоқ халқи кундалик ва маросимий ҳаётида, балки тожиклар, ўзбек лақайлари, қозоқлар, қирғизлар, бурятлар ва бошқа туркий ҳамда мўғул халқлари ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтади [5:40-44]. Фақатгина ушбу эътиқодий маросимларнинг мустақиллик давридаги сақланиш ҳолатига камроқ эътибор қаратилган.

Қорақалпоқларда ҳайвонлар ва уларнинг маълум бир суякларидан фойдаланган ҳолда фол очишга бағишланган С.Есбергенованинг навбатдаги мақоласида, асосан, қўй ва унинг елка қисми суягидан фойдаланиб фол очишга доир

кизиқарли этнографик маълумотлар берилди. Кўй елка суягидан фол очиш нафақат қорақалпоқларда, балки кўплаб кўчманчи ва ўтроқ халқлар, жумладан, қозоқ, қирғиз, уйғур, тожик, ўзбек, телеут, тувин, бурят, Сибир халқларида ҳам учраши, унинг ўзига хос томонларини ёритишга ҳаракат қилади [6:78].

Юқоридаги илмий мақолалар ва С.Есбергеновнинг бошқа изланишларида қорақалпоқ халқининг эътиқоди ва маросимларидаги турли ҳайвонлар, тақинчоқлар, буюмларнинг ўрни, уларнинг магик хусусиятлари, оилавий ҳаётдаги аҳамияти ҳамда уларнинг халқ оғзаки ижоди билан мослиги таҳлил қилинган [7:63-66]. Тадқиқотчи фаолияти сермахсул бўлиб, кўплаб этнографик маълумотлар кўшни халқларга доир далиллар билан қиёсан таҳлил қилингани эътиборга лойиқ. Унинг изланишларида ушбу урф-одатларнинг замонавий сақланиш ҳолати ва трансформация жараёнлари кам ёритилган бўлса-да, янги этнографик маълумотларни илмий муомалага олиб кириб, мустақиллик давридаги қорақалпоқ этнографиясига қўшган ҳиссаси катта бўлган.

Бу даврда халқ оғзаки ижоди асарларидан этнографик мақсадда фойдаланиш ишлари ҳам йўлга қўйилади. Хусусан, Т.Есбергенова мақоласида болалик этнографияси “Алпомиш” достонининг қорақалпоқ талқинида таҳлил қилинган. Мақолада боланинг жисмоний ривожланиш жиҳатлари, бир ёшдан иккинчисига ўтишдаги турли маросимлар, ўғил болалар учун суннат ва ундан кейинги тўй (кокмар), 14 ёшда бола томонидан от танлаш билан боғлиқ урф-одатлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, бола тарбияси учун жамоат ҳам жавобгар бўлгани, бу ҳолат нафақат қорақалпоқларда, балки ўзбек, туркман, қозоқ ва бошқа кўшни халқларда ҳам учраши ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтилади [8:56-57].

Шу йилда нашр этилган З.И.Курбановнинг мақоласида 1928 йилда қорақалпоқ қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилиги, ирригацияси, кундалик ҳаётини тасвирга олиш учун юборилган А.Л.Мелковнинг 498 тадан иборат фотоальбоми этнографик манба сифатида ўрганилган. Тадқиқотчи этнографик аҳамиятга молик бир қанча фотосуратларни танлаб олиб, таҳлил қилган ва қишлоқ хўжалиги ҳамда

ирригацияси ишларини олиб боришга оид, ер ҳайдаш ва балиқчилик билан шуғулланишга, шунингдек, бозор ва савдо-сотикқа оид тасвирларни таҳлил қилган. Бу қорақалпоқ этнографиясига нафақат халқ оғзаки ижоди ёки дала тадқиқотлари натижалари, балки фотосуратларни ҳам қўшимча манба сифатида олиб кирилишига сабаб бўлган [9:52-53].

Бундан ташқари, қорақалпоқ халқининг мустақиллик йилларидан кейинги ҳаётига оид тарихий китобларда ҳам қорақалпоқ маданияти, унинг тикланиши, урф-одатлар ва маросимларни, қорақалпоқ халқи халқ оғзаки ижодининг қайта тикланиши ҳамда қадрият даражасига олиб чиқилиши ва бошқа кўплаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни ўзида жамлаган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” уч жилдлик китоби ёзилди. Уни ёзишда Қорақалпоғистон тарихчилари академик С.К.Камалов, профессорлар К.С.Сарибаев ва Б.А.Кошановлар қорақалпоқ халқига тегишли параграфларни шакллантиришда фаол иштирок этдилар.

2000 йиллардан бошлаб қорақалпоқлар тарихи ва этнографиясининг тарихшунослигига бағишланган бир қанча аҳамиятли мақолалар чоп этилган бўлиб, бу изланишлар натижалар сарҳисоби, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, истиқболдаги режаларни тузиш учун муҳим ҳисобланади. Жумладан, шу йилда Б.А.Кошановнинг Қорақалпоғистоннинг 1946–1960 йиллардаги тарихи тарихшунослигига бағишланган [10], 2001 йилда эса ушбу тадқиқотчининг ҳаммуаллифликда қорақалпоқларга оид хорижий илмий нашрлар таҳлиliga бағишланган мақоласи [11:68-70], XX аср 30-йиллари Қорақалпоғистон тарихи масаласидаги мақоласи [12:70-72] чоп этилган. Албатта, ушбу илмий мақолалар тарихшунослик нуқтаи назаридан ёзилган бўлса-да, қорақалпоқларнинг ўрганилишига доир тарихий, этнографик, географик, топонимик, лингвистик асарларни қамраб олгани сабабидан аҳамиятли ҳисобланади.

Қорақалпоқ халқининг этнографик ўрганилиши тарихшунослигига доир илмий мақола этнограф олим А.Х.Дониёров томонидан ёзилган бўлиб [13:80-83], изланишда қорақалпоқ

халқининг мустақиллик даврига қадар босқичма-босқич тадрижий ўрганилиши, асосий тадқиқот йўналишлари ва тадқиқотчилари, рус ва маҳаллий этнографларнинг фаолияти натижалари, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинган. Ушбу илмий мақола масаладаги кўплаб истиқболли мавзулар ва тадқиқотларни олиб бориш учун йўл кўрсатиб берган.

Этнограф олимнинг яна бир мақоласида қорақалпоқ этнографиясининг 1920-1980 йиллар давомида ўрганилишининг тарихшунослик таҳлили очиқ берилган [14:62-66]. Мақолада Т.А.Жданко, С.К.Камалов, Р.К.Косбергенов, У.Х.Шалекенова, А.Морозова каби тадқиқотчиларнинг фаолияти, эришган натижалари таҳлилга тортилади. Этнограф давр ва ундаги ҳолатга тўғри баҳо бериб, этнографик изланишлар динамикасини кўрсатиб бера олган.

НАТИЖАЛАР. Ушбу даврда қорақалпоқ ва ўзбек халқи ўртасидаги этнослараро жараёнлар таҳлиliga ҳам урғу берилган. Хусусан, З.Тлеумуратова мақоласида Амударё қуйи оқимида истиқомат қилган ўзбек ва қорақалпоқларнинг уй-жойлари, уларнинг қурилиш ва безашдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, кийим-кечаклар, уларга ишлатилган мато, тикиш услуби, анъанавий таомлар, уларнинг пиширилиш техникаси, нон ёпиш ва тандир қуриш ўртасидаги фарқлар ҳамда бошқа кўплаб жиҳатлар қиёсан таҳлил қилинган [15:83-85]. Мақола қисқа бўлса-да, кўплаб этнографик маълумотларни ўзида қамраб олгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

Қорақалпоқ тилида ёзилган яна бир этнографик мақолада С.Саитбекова қорақалпоқларда кенг тарқалган оёқ ўйинлари ҳақида маълумот бериб ўтади [16:85-86]. Ушбу кичик тезисда ХХ асрдаги экспедиция давомида Н.А.Баскаков, И.Иванов, фотограф Ардашер Давлет томонидан кўплаб ўйинлар ёзиб олингани, кейинчалик бу маълумотлар умумлаштирилиб, 1984 йилда чоп этилгани ҳақида маълумот беради. Ушбу маълумотлар қорақалпоқ этнографияси йўналишлари нафақат фольклор ёки халқ тарихи, балки анъанавий ўйинларга ҳам бўлган қизиқишдан далолат беради.

Қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланиши, миллий давлатчилиги ва унинг босқичларини тадқиқ қилишда академик С.К.Камаловнинг китоби муҳим ҳисобланади [17]. Муаллифнинг фикрича, ҳозирги замонда асосий муаммолардан бири қорақалпоқ этносининг келиб чиқиши ва давлатчилигининг шаклланиш манбаларини топиш саналади.

ХУЛОСА. Хуллас, ХХI аср бошлари, аниқроғи 2000-2001 йиллар қорақалпоқ этнографияси учун сермахсул давр бўлди. Бу йиллар давомида бир нечта халқлар этнографик жиҳатларини ўзаро қиёслаган изланишлар чоп этилди. Бундан ташқари, қорақалпоқ халқи тарихи бўйича янги китоб ёзилиб, Ўзбекистон янги тарихи таркибига ҳам маълумотлар қўшилди. Энг муҳими, ушбу даврда қорақалпоқ этнографиясини сарҳисоб қилган тарихшунослик тадқиқотлари нашр этилди. Бу эса қорақалпоқ этнографиясини истиқболдаги ривожини белгилаб бериши лозим эди. Тадқиқотчилар сафи ҳам кенгайиб, мавзулар ва қамровнинг кенгайиши кузатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бижанова А.Е. Обычай и обряды казахов низовьев Амударьи, связанные с жизнью матери и ребенка // Вестник ККО АН РУ, 2000. №2. – С. 53-55. Образцы народных обрядовых песен казахов низовьев реки Амударьи (конец XIX-начало XX вв.) // Вопросы истории Казахстана. Исследования молодых ученых. – Алматы, 2000.
2. Есбергенов Х.Е. Генезис некоторых сюжетов каракалпакской версии эпоса «Алпамыс» // Вестник ККО АН РУ. 2000, № 3. – С. 76-78.
3. Есбергенов Х.Е. Значение фольклора в изучении истории, культуры и этногенеза народов Арало-Каспийского региона // Вестник ККО АН РУ 2000, № 5. – С.54-56.
4. Есбергенова С.Х. Омирше – ритуальный предмет у каракалпаков // Вестник ККО АН РУ., 2000, №1. – С. 39-40.
5. Есбергенова С.Х. Конь в верованиях и эпосах народов Приаралья // Общественные науки в Узбекистане, 2000, №2. – С. 40-44.
6. Есбергенова С.Х. Древние способы гадания у каракалпаков // Вестник ККО АН РУз., 2000, №3. – С. 78.

7. Есбергенова С.Х. Эковоспитание в традиционных верованиях и фольклоре каракалпаков // Материалы VIII конференции молодых ученых. Проблемы воспитания и развития личности на рубеже XX-XXI веков: теория и практика. – Москва, 2000. – С. 63-66; Есбергенова С.Х. Символика культов и ритуалов у каракалпаков // Тезисы докладов международного симпозиума «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры». – Нукус-Бустон, 2000. – С. 15-17.
8. Есбергенова Т.Х. Этнография детства в каракалпакской версии эпоса «Алпамыс» // Вестник ККО АН РУ. 2000 г., № 2. – С. 56-57.
9. Курбанова З.И. Фотоальбом А.Л.Мелкова как источник изучения этнографии каракалпаков // Вестник ККО АН РУ., 2000, № 2. – С. 52-53.
10. Кошанов Б.А. Актуальные вопросы истории Каракалпакстана 1946-1960 годов // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. 2000. № 4.
11. Кошанов Б.А., Ибрагимова С.О. История Каракалпакстана в зарубежной историографии (1917-1925 гг.) // Вестник ККО АН РУ., 2001, № 4. – С. 68-70.
12. Кошанов Б.А., Хакимниязов К.А. Из истории Каракалпакстана 30-х годов XX века // Вестник ККО АН РУ., 2001, № 4. – С. 70-72.
13. Дониёров А.Х. Из истории этнографического изучения каракалпакского народа // Вестник ККО АН РУ., 2001, № 4. – С. 80-83.
14. Дониёров А.Х. К вопросу изучения этнографии каракалпакского народа (1920-1980-е гг.) // Вестник ККО АН РУ., 2001, № 6. – С. 62-66.
15. Тлеумуратова З. Отражение межэтнических связей в материальной культуре каракалпаков и узбеков низовья Амударьи в конце XIX - начале XX вв. // Вестник ККО АН РУ., 2001, № 4. – С. 83-85.
16. Сайтбекова С. Қарақалпақ аяқ ойындари болган ба? // Вестник ККО АН РУ., 2001, № 4. – С. 85-86.
17. Камалов С.К. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиуйи хәм мәмлекетшилиги тарийхынан. – Нөкис, 2001.
18. Kurbanbayeva, M. (2023). Abu Rayhon Beruniy hayotiga doir ba'zi mulohazalar. Tamaddun nuri jurnali, 9(48), 64-66.
- 19.

